

Oilavajamiyat

№ 34-35 (1341)

30 AUGUST

2017 YIL

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

va Jamiyat

ФИДОЙИНГ БУЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” – МУСИҚА ОЛАМИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ

28 август, соат 19.10. Самарқанд.
Регистон майдони.

Шердор, Тиллакори, Мирзо Улуғбек мадрасалари гулгун шафақ ёғдусида янада гўзал ва салобатли кўринадди. Бетақдор амфитеатр ҳосил қилган бу муҳташам обидалар анжуманга узгача руҳ, улувзорлик бағишлаган. Майдон “Шарқ тароналари” халқаро муסיқа фестивалининг тантанали очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан гав-



жум. Улар орасида анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, муסיқашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олади.

Карнай-сурнай, ногора садолари янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари “Шарқ тароналари” халқаро муסיқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, мазкур анжуманнинг чуқур инсонпарварлик руҳи ва фалсафаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мумтоз муסיқа аъёналарини асраб-авайлашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди, фестиваль ишига муваффақият тилади.

(Давоми 2-бетда)

Абдулқодир Бендамече, фестиваль иштирокчиси (Жазоир):

– Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда ва Ҳазрати Ҳизр мажмуаларида амалга оширилаётган таъмирлаш ҳамда қурилиш ишлари эътиборимни тортди. Бу ёдгорлик мажмуаларини томоша қилар эканман, халқингизнинг буюқ аждодлар, ўтиб кетган диний уламолар хотирасини абадийлаштириш, улар номи билан боғлиқ обидаларни тиклаш борасида амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Ҳар сафар Регистонга ташриф буюрганимда унинг маҳобатини таъминлаган янги-янги қирраларини кашф этаман. Бу ердаги масжид мадрасаларнинг тарихи билан қизиқдим. Буюқ астроном Мирзо Улуғбек давридаёқ бу заминда дунё илм-фани, маданияти ва санъати ривожини учун оламшумул натижаларга эришилганига гувоҳ бўлдим.

Рейнхарт Реисснер Георг, “Reinhardt Reissner” жамоаси аъзоси (Германия):

– Биз бир неча кундан буён тарихий ва қадимий Самарқанд шаҳрининг гўзаллиги, кўхна обидалари таровати, одамларининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўляпмиз.



(Давоми 2-бетда)

“ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ФЕСТИВАЛИ – МУСИҚА ОПАМИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъатини чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шашмақом, Катта ашула, Аския инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр ва маданият саройлари, санъат йўналишидаги замонавий таълим муассасалари барпо этилди. Кўплаб кўрик-танлов ва фестиваллар ёш истеъодларни кашф этиш, уларнинг маҳоратини ошириш ва янги марраларга руҳлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизда маданият ва санъатга қаратилган алоҳида эътиборнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган юксак намунаси.



мустақамлаш, инсонларни эзгу гоёлар атрофида жипслаштириш, истеъодли ёшларни кўллаб-қувватлаш, халқаро ижодий алоқаларни янада мустақамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий сахнадан ташқари, Самарқанд шаҳридаги қатор маданий-маърифий муассасалар, Оқдарё, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой туманларида ҳам концерт дастурлари на-



Фестивалнинг нуфузи ортиб, иштирокчилари географияси тобора кенгайиб бормоқда. Кўллаб мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, машҳур санъат намояндalари унда қатнашишни ўзлари учун шараф, деб билади. 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга 60 га яқин давлат санъаткорлари ташриф буюрди. Фестиваль ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани ҳам анжуманнинг юксак мақом ва нуфузини кўрсатади.

“Шарқ тароналари” жаҳон халқлари миллий мусиқа санъатида эришилган ютуқларни асраш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Санъат орқали халқлар ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни

мойиш этмоқда. Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, театрлар, маҳалла гузарлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар Самарқанднинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, она диёримизда етиштирилган турфа ноънъматлар билан тўла бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

ЎзА материали асосида тайёрланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай шуқуҳнинг чекка қишлоқларда ҳам мавжудлиги бизни ҳайратлантирди. Оқдарё туманидаги 7-мусиқа ва санъат мактабида мусиқага ихлоси баланд ёшларнинг билим олиши, санъат сирларини ўрганиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Бугун баъзи мамлакатлар аҳолиси бир-бирига қурол тутиб, ирқ талашаётган бир пайтда ўзбек ёшлари дунё халқларини мусиқа билан бирлаштираётгани Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада оширади.

Беқарор, нотинч вазиятдаги баъзи давлатлар фарзандларини ҳам сизнинг юртингиз болаларидек бахтли бўлишини истардим. Юртингизга кўз тегмасин!

Евгений Гутаров, “Раздолье” жамоаси аъзоси (Россия):

– Юртингизга биринчи марта келишим. Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар менда катта таассурот қолдирди. Амир Темур мақбараси, Регистон, Шоҳи Зинда мажмуаларини томоша қилиб, ўзини мазийга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Шаҳарнинг бугунги тараққиёти ҳам кўзни қувнатади – кўчалар тоза, озода, қаерга қараманг гулзор.

Фестивалнинг нуфузи ҳақида етарли тасаввурга эга эмас эдим. Шаҳарнинг турли ҳудудларида, турли миллат вакиллари қатори ўз санъатимизни намойиш этиш жараёнида анжуманнинг мавқеи, аҳамияти нақадар кенглигини ҳис этдим.

Тулхтар Рижу, “Kanta dAb-dAb” жамоаси аъзоси (Непал):

– Юртингиз ҳақида таассуротларим кун сайин бойиб, ҳар қадамда ўзим учун бир янгилик кашф қиламан. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг кўплиги, ёш авлоднинг санъат ҳақидаги билимларини бойитишга қаратилган алоҳида таълим дастурларининг ишлаб чиқилгани жуда қувонарли. Кўпгина давлатлар таълим тизимда мусиқий таълим-тарбияга эътибор қаратилмайди. Ахир, инсон руҳияти, маданияти ва маънавияти шаклланишида мусиқанинг аҳамияти юқори эканлигини аксарият мамлакатларда англаб етишмаяпти. Бу борада ўзбек зиёлиларидан ибрат олиш керак.

Биргина, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини олиб қаранг, ер юзининг тўрт тарафидан келган турли миллат ва элат вакиллари бирлаштириш, ўз миллий санъатларини бир сахнада намойиш этиш имконини бермоқда. Янграётган куй-қўшиқларнинг тарихий ва қадимий обидаларга ҳамоҳанглиги фестивалга ўзгача жозиба бағишламоқда.

Г.МЎМИНОВА тайёрлади



Бойсун туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг Г'урхोजи қишлоғидаги филиали (2014-2015 йиллардаги ҳолати)

Шу йилнинг 28 август куни ижтимоий тармоқларда: “Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Г'урхोजи қишлоғи, Чўроб (аслида Шўроб. Тахририят) маҳалласидаги мактаб”, деган изоҳ билан вайрона иморатнинг расми тарқатилди. Суратни кўрган ҳар қандай одам “Мамлакатимиз таълим тизимида улкан ислохотлар жараёни кечаётган бугунги кунда наҳотки шундай харобага айланган мактаблар мавжуд бўлса”, деган фикрга бориши тайин эди. Кўпчилик шундай фикрга борди ҳам.

Бу ҳолатга аниқлик киритиш учун Сурхондарё вилоятидаги махсус муҳбиримизга топшириқ берилди.

28 август куни кундузи соат 10 да Бойсун тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари Алишер Нормаматов ҳамда туман халқ таълими

муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Эшқобил Ғаниев билан бирга Г'урхोजи қишлоғига етиб бордик.



Бойсун туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг Г'урхोजи қишлоғидаги филиали (2017 йил 28 августдаги ҳолати)

Мактаб туман марказидан 45 чақирим олинсадаги “Шифобулоқ” (эски Шўроб) маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бизни кўриб, бир гуруҳ отахон-

“ШИФОБУЛОҚ”НИНГ МАКТАБИ ЧИНДАНМ ВАЙРОНАМИ?

ёхуд ёлғон маълумот тарқатишдан ким манфаатдор?

лар мактаб ҳовлисига кириб келди. “Шифобулоқ” маҳалласи раиси Охунбобо Қодировнинг айтишича, 15 хонадон мавжуд бўлган Г'урхोजи қишлоғидаги мазкур озкомплектли мактабда 20 нафар ўқувчига икки ўқитувчи бошланғич таълимдан сабоқ беради.

– Мактаб ҳашар йўли билан қурилган, – дейди оқсоқол. – “Шифобулоқ” маҳалласида жойлашган 16-умумтаълим мактабининг филиали

шу ернинг ўзида мактаб қурган эдик.

Таълим масканини айланиб, ҳужжатлар билан танишар эканман, ижтимоий тармоқларда тарқалган сурат мактабининг 2014-2015 ўқув йилидаги ҳолати эканига амин бўлдим. Таълим даргоҳи қайта таъмирланиб, замонавий анжомлар билан жиҳозланганига икки йилдан ошибди.

Мактабнинг 2014-2015 ўқув йилидаги ва бугунги ҳолатини эътиборин-



гизга ҳавола этияпмиз. Ўзингиз ҳулоса чиқарасиз, деган умиддамиз.

Чорихон ҚОСИМОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири

oilavajamiyat@mail.ru

“ҲАЛИ КАМЧИЛИКЛАРИМИЗ КЎП”

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова – тиббиётдаги бугунги ўзгаришлар, муаммолар ҳақида

Бугун энг кўп эътибор қаратилаётган соҳа – тиббиёт соҳаси, энг кўп муаммолар ҳам айнан тиббиёт соҳасида ва энг кўп эътирозлар ҳам тиббиёт ходимларига билдирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига, Президентнинг жойлардаги Халқ қабулхоналарига бўлаётган мурожаатларнинг катта қисмини ҳам тиббиёт соҳасига тааллуқли мурожаатлар ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира БОСИТХОНОВА бу борадаги саволларга жавоб беради.



ҚИЗЛАР УЧУН ПОЛИКЛИНИКАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИМИ?

– Шу йилнинг 5 январида соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёев хотин-қизлар, саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, қизлар учун махсус поликлиникалар ташкил этиш тақлифини ўртага ташлаган эди. Бу тақлиф қай даражада амалга оширилди?

– Тан олишимиз керак, бугун туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг соғлиғи тизимли назоратга муҳтож. Давлатимиз раҳбарининг қизлар саломатлигини асраш, улар учун поликлиникалар ташкил қилиш кераклиги ҳақидаги тақлифидан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида республикамизнинг 14 ҳудудда, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари ҳузурда қизлар саломатлиги бўлимлари ташкил этилди. Бу ерда қизлар гинекологик, эндокринологик соҳаларда ёрдам кўрсатилмоқда. Тошкент педиатрия институти клиникасида ташкил этилган қизлар саломатлиги бўлимини марказ сифатида белгилаганмиз. Қолган 13 ҳудуддаги бўлимлар ишини мувофиқлаштириш, режалаштириш, унинг услубий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш мазкур марказ зиммасига юклатилган. Сентябрь ойида қизлар саломатлиги бўлимлари мониторингини ўтказиб, мавжуд муаммолар ва ютуқларни кўриб чиқамиз ва келгуси ишларимизни шунга қараб белгилаймиз.

– Оналар ва болалар саломатлигига юзага келётган муаммоларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан хотин-қизлар ўртасидаги мавжуд хасталикларни ўз вақтида аниқлашга боғлиқ. Ҳудудларда ўтказилаётган тиббий кўриклар натижаси қандай бўляпти?

oilavajamiyat@mail.ru

– Албатта, тиббий кўрикларнинг ўз вақтида ўтказилиши кўплаб муаммоларнинг олдини олади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган “Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиклари”да 4,8 млн. туғиш ёшидаги аёллар ва 4,2 млн. болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. 2,1 млн. аёлда ва 1,8 млн. болада аниқланган хасталикларни соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш мақсадида республика скрининг маркази томонидан 281 минг нафар чақалоқ, туман тиббиёт бирлашмаларида 310 минг нафар ҳомиладор аёл бирламчи ультратовуш скрининг текширувидан ўтказилди. Акушерлик патологияси ва ҳомилада туғма касалликлар аниқлангани учун 10 минг нафар аёлда тиббий кўрсатмаларга мувофиқ ҳомиладорлик тўхтатилди.

Ҳар ой ҳудудларда юриб, репродуктив саломатлик марказлари томонидан қизлар, туғиш ёшидаги аёллар саломатлиги қай даражада назоратга олингани, тиббий кўриқдан ўтиши, патронаж тизими қандай йўлга қўйилганини ўрганилмиш. Ҳали камчиликларимиз кўп. “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” Бош бошқармаси йиғилишида бу камчиликларни профессорлар ва соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокида муҳокама қилиб, ечим йўллари белгиланмоқда. Шу вақтгача мазкур соҳадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, тизимли ташкил этилмагани энг катта камчилигимиздир. Давлатимиз раҳбарининг ва халқимизнинг тиббиёт ходимларига нисбатан норозилигига асосли сабаб ҳам шунда.

Бу ишларни тизимли ташкил этишда “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” Бош бошқармасига эмас, балки бутун вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Саломатлик институти вакиллари ҳамкорлиқда ҳаракат қилса, яхши натижага эриша оламиз.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЎЛИМИ КАМАЙДИМИ?

– Амалга оширилаётган ишларга қарамай, оналар ва болалар ўртасида ўлим ҳолатлари кузатиляпти. Уларни камайтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун ҳукуматимиз томонидан жуда катта маблағ ажратилмоқда. Мамлакатимиздаги 46 та ҳудудлараро перинатал марказлар шу йил охиригача субъект нафас олиш мосламалари, УТТ ва бошқа замонавий тиббий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланади.

Болалар ўлими ҳолатларининг ўзига хос сабаблари бор. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги, ҳамюртларимизнинг ўз саломатлигига эътиборсизлиги масаланинг бир томони бўлса, иккинчи тарафдан патронаж ва стационар тизимдаги ишларимизда ҳам камчиликлар кўп. Она ва бола туғуруқхонадан чиқариб юборилаётганда, бизнинг талабимизга биноан, ўша ҳудуддаги оилавий поликлиника бош шифокорига ахборот берилиши керак. Баъзи бир ҳудудларда оилавий шифокор келиб, ўзи олиб кетмаса, она-болани туғуруқхонадан чиқаришмайди. Бу яхши тажриба. Аммо болалар ўлимини таҳлил қилганимизда, аксарият ҳолатларда, она-бола туғуруқхонадан шундоқ чиқариб юборилаётгани, уйига боргач, оилавий шифокорнинг хабари бўлмай, она, айниқса, бола саломатли-



“Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши зарур”.

ги маълум вақт назоратсиз қолаётгани ойдinлашмоқда.

Қашқадарё вилоятида кузатилган бир ҳолатда она-бола уйига жўнатиб юборилганини олти кунгача ҳудуддаги масъул шифокорлар билмаган. Зангиотада эса бемор бола оилавий поликлиникага олиб келинганда, “Такси тўхтатиб, касалхонага олиб бординг”, деб қўйиб юборишган. Бу тиббиёт ходимларининг ўз касбига масъулиятсизлиги ва лоқайдлигидан бошқа нарса эмас! Қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиникага беморни олиб келишимиз, у иситмалаептими, дарҳол “Тез ёрдам”ни чақириб, она-болани махсус мутахассис кўригига олиб бориш ёки шу ернинг ўзига мутахассисни чақириб маслаҳат олиш, ўша ерда ишлаётган шифокорнинг вазифаси!

– Бундай ҳолатларда лоқайдлиги ва масъулиятсизлиги учун шифокор жавобгарликка тортиладими?

– Албатта! Ҳар бир нохуш ҳолат махсус тафтиш комиссияси томонидан синчиклаб ўрганилади ва агар масъулиятсизлик қилган бўлса, шифокор вазифасидан озод этилади. Фарғонада шундай ҳолат кузатилган. Шифокорнинг айби билан бола ногирон бўлиб қолган. Айбдор шифокор ишдан бўшатилган. Аммо бир инсон тақдирини, бир оила муаммолар гирдобиди қолган. Шифокорнинг ўз касбига масъулиятсизлиги туфайли мана шундай кечирилмас халот юзага келади. Шу боис шифокорларнинг касбига масъулиятли бўлиши талаб этилмоқда.

85 %

ҲОЛАТДА ОДАМНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЎЗИГА ВА УНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИГА БОҒЛИҚ.

ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

– Оила саломатлигини мустаҳкамлашда патронаж хизматининг алоҳида ўрни бор. Мазкур хизматни янада яхшилаш учун қандай ишлар қилинапти?

– Шу йилнинг 7 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти қониқарсиз аҳволда қолаётганини танқид қилиб, тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Оила саломатлигини назорат қилишда патронаж хизматининг алоҳида

ўрни бор. Уйма-уй юриб кузатилганда оила аъзоларидан қайси бири бемор, кимни шифохонага ётқизиш керак, деган саволлар ойдinлашади. Вазирлар Маҳкамасига патронаж хизмати тизимини янада такомиллаштириш бўйича низомни киритдик. Мазкур низомда хонадонга кириб-чиқиш, оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказиш, зарур бўлса даволашга юбориш каби ҳатти-ҳаракатлар белгиланди. Оналар ва болалар, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида ургу берилди.

– Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш миллат саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири. Бу борада олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кузатувларига кўра, одамнинг саломатлиги 85 фоиз ўзига ва унинг тиббий маданиятига, 15 фоиз юқори технологияларга, тиббий ёрдам даражасига боғлиқ экан.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласи муҳим эканлиги алоҳида қайд этилган.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, тажриба тарзида Тошкент шаҳрининг 500 дан зиёд маҳалласида “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақтаблари”ни очишни йўлга қўйяпмиз. Оилавий шифокор ва патронаж ҳамшира бошчилигида аввал тиббиёт муассасасида ишлаб, нафақага чиққан аёлларимиз иштирокида маҳалла идорасида аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган мавзуларда ҳаётини мисоллар асосида 40 дақиқалик машғулотлар ташкил этилади.

Халқимиз саломатлигини асраш оила саломатлигини мустаҳкамлашдан бошланади. Ҳамюртларимизда ўз яқинлари, жигарғўшалари саломатлигига масъуллиқни шакллантиришимиз ва буни ҳар бир оиланинг мафкурасига айлантиришимиз жуда муҳим. Хонадон аъзолари бир-бирларини: “Қачон тиббий кўриқдан ўтгансан, ўзингни шифокорга кўрсатдингми?” дея теграб турса ва бу тушунчани ҳаётини заруратга айлантирса, кўплаб хасталиқлар ўз вақтида аниқланар, даволаш чоралари кўриларди. Зеро, саломатликни асраш фақат тиббиёт ходимларининг эмас, балки ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурчдир.

“Оила ва жамият”
газетаси муҳбири
Ҳамроҳон МУСУРМОҶОНОВА
суҳбатлашди.

ВАТАНИМ ОНАГИНАМ

Ҳалима
Худойбердиева,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватан, кўрдим тўнингининг сузилиб турган ерин,
Шуни кўриб кўнглимнинг бузилиб турган ери,
Шуни кўриб кўнглимнинг узилиб турган ери,
Ватаним онагинам...

Тўнни сузилган ерин ямамоқ лозим бўлар,
Маили қаҳратон кишим ёки ўт ёзим бўлар,
Тинмай чорлаган овоз, менинг овозим бўлар,
Ватаним онагинам...

Сен кишлоқда ранг-рўйи сариқ онамсан асли,
Ҳорғин онам, хокисор, ориқ онамсан асли,
Қадди долу кўллари ёзиқ онамсан асли,
Ватаним онагинам...

Ҳар ким ўзимас, аввал онасини кийдирсин,
Ўзига эмас, аввал онасига шай турсин,
Илҳақ қилмай, ўқитмай кўнглини илғай турсин,
Ватаним онагинам...

Чексанг улуг бир дард чек, шу тан кетмаси учун,
Милтираб турган шу шам, шу шайъ кетмаси учун,
Онадайин ҳеч қайтмас Ватан кетмаси учун,
Ватаним онагинам...

КЎКСИНГДА УНГАН ГУЛ — ДИЛИНГМАН СЕНИНГ

Ҳосият
БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Армонларим тупроқларга қоринди,
Қоронгу дил туб-тубидан ёришди,
Кўз ёшларим суюнчиға боришди,
Воҳ, осмоним, воҳ, посбоним жон Ватан!

Юз ўттиз йил кўролмаган куним бор,
Ич-ичимда қолиб кетган хуним бор,
Меҳрибоним, сендан ўзга кимим бор,
Кўзларда нур, томирларда қон Ватан!

Туморчалар тақай, тонгим, ёруғим,
Пешонамда турсин маили чориғим,
Илоҳо! Сен ҳасадлардан фориғ ўл,
Авайлайман ҳар лаҳза, ҳар он Ватан!

Гоҳ, етмай йиғладим чироқларингга,
Сирлашиб суяндим теракларингга,
Томирчалар бўлай юракларингга,
Бормикан сенингдек меҳрибон Ватан!

Бағрингни очарсан, тупроқ, бўларман,
Сийласанг яна гул, япроқ, бўларман,
Бошимни силасанг кўпроқ, бўларман,
Отансан, онамсан, қадрдон Ватан!

Кўксингда унган гул — дилинган сенинг,
Туйғулар олов тилинган сенинг,
Васфинг шеър қилмасан киминган сенинг,
Кўшиғим, ошиғим, жонажон Ватан!

ЙЎЛЛАРИНГ КЎЗИМГА СУРТАЙ, САМАРҚАНД

Зулфия Мўминова,
“Дўстлик” ордени совриндори

Дунёни тавофга чорлаб турурсан,
Инсонни инсофга чорлаб турурсан.
Ҳазрати Ҳизрга бошлаб борурсан,
Йўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Юлдузларни ушлаб ном топангингда.
Жонларингни бериб шон топангингда,
Кўлларинг куймасми нон ёпангингда?
Кўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.
Азал афсонаси минг турфа бўлган,
Очил дастурхону нон сурпа бўлган.
Миллат отасига оқ кўрпа бўлган,
Гулларинг кўзимга суртай Самарқанд.
Сароймулкхонимсан бардошни ютган,
Келинлари хонлар, султонлар туққан.
Китоб қарвонига елкасин тутган,
Чўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
То адолат мангу, содаат мангу,
Имону эътиқод дийнат мангу,
Баракот эшиги аталган ўнгу,
Сўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Шоҳи Зиндам менинг шунда тирилган,
Неча бор қирилган, шунча тирилган.
Тунда ўлдирилган, тонгда тирилган
Борлигинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Ер юзин талъати дея аталган,
Шафқат салтанати дея аталган,
Бу дунё жаннати дея аталган
Ёрлигинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Нон каби ушалиб ном топангингда,
Ботирларинг бериб шон топангингда,
Кўлларинг куймасми нон ёпангингда?
Кўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.
Йўлларинг кўзимга суртай, Самарқанд.

ОНАМ ҲИДИ КЕЛАДИ СЕНДАН

Ҳалима
АҲМЕДОВА

Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ,
Ва ҳеч кимга етмас зиёним.
Аммо сенинг олдингда, тупроқ,
Айб қилгандай титрайди жоним.

Райҳонларга чулғаниб кетган,
Онам ҳиди келади сендан.
Биламанки, хокисоргинам,
Сен ҳеч нарса кутмайсан мenden.

Маломатга қолиб бу бошим,
Сенга бағрим бериб ётган чоғ.
Юпатдинг ҳам, тушундинг мени
Дўсту яқинларимдан кўпроқ.

Мен туғилган кунимдан бошлаб,
Талпинганим сен бўлдинг, ишон.
Сенинг зарра-зарраларингда
Ҳақ жамоли бўлди намён.

Ўзга тупроқ тортмас дилимни,
Жойнамозим ўзинг, чўкдим тиз.
Ахир сендан юрагимгача
Боғлаб турар илоҳий илди.

Болам деб, хўп яйратдинг мени,
Имкон бердинг ўйнаб кулгани.
Фақат мени ўлгандан сўнг ҳам
Қучоғингга олсанг бўлгани.

БИТТА ВАТАН

Гулжамол Асқарова,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти совриндори

Одамлар бегона элларда юриб,
Саёҳат завқидан айлармиш ҳузур.
Энг гўзал ўлкага йўлласалар ҳам,
Мен бундай ҳузурни туймадим, узр.

Яхшидир эҳтимол бегона элда
Баланд бинолардан ҳайрат топмоқлик.
Мен учун яхшидир ўз уйганимнинг
Эшигини ҳар кун очиб-ёпмоқлик.

Оҳ дерлар, воҳ, дерлар ўзга юртларни,
Сайр ила саёҳат айлаган дўстлар.
Улар айтадилар ғалат эмишман,
Феълимда бор эмиш кўп каму кўстлар.

Биламан, ўз юртин телбадек севган
Битта беморман мен дўстлар наздида.
Ҳа, менга шарафли жимгина яшаш,
Ватанни асрабон юрак остида.

Айтарлар: истасанг, ҳамма юрт — ватан,
Макон айлаш мумкин ҳар не чаманни.
Йўқ! Мен Худойимдан сўраб олганман
Битта пешонамга битта Ватанни.

ЧАРХИ ДАВВОРИМ

Адиба УМИРОВА

Чўкиб бораяпман оппоқ гамингга,
Яшашга арзири озоринг борму?!
Қонимда оқадур яшил аланга,
Жонимдан ўзга бир нисоринг борму?
Бормикан, бағрингага ўзини отиб,
Шу ишқ азобидан қутулган одам?
Бир лаҳза ҳаётнинг шодлигин тотиб,
Сен билан дардини кўрувчи баҳам?
Ёдиндан кечувчи битта хасдурман,
Оташин саҳрода офтоб урган гул.
Эҳтимол, адашдим, ҳақ эмасдурман,
Самовий йўлларни йўқотдим буткул.
Тушларимга кирмай кўйди парилар,
Ҳаққа қайси йўлдан бораман энди?
Кимларнинг пойига ташладинг, эвоҳ,
Кафтимда асраган она заминни?!
Эй, чархи давворим, кўзларингни оч,
Қайга гойиб бўлди афсунгар осмон.
Мудраган руҳимни уйғотган оғоч,
Кулгулар жарангин ўчирган хахон.
Чертиб ўтганида кўнглим аллаким,
Янчиб кетганда ҳам ўлгим келмаган.
Шафақнинг ортига термуламан жим,
Нимадир ўзгарди ўзим билмаган.
Нимадир ўзгарди ўзинг билмаган,
Сездингми, ҳавода қандайдир титроқ.
Набийлар илоҳий нафаси билан
Хуев ўша хувайдо қалбимга бир боқ?!
Саноқсиз кунларни соғинаман боз,
Худога ичкидим бунчалар қаттиқ.
Балки мен яшашга кечкдим бироз,
Сен ҳали дунёни англаганинг йўқ!

Уй-жой муаммоси доимо жиддий масалалардан бири бўлиб келган. Аҳоли, янги оилалар сонининг кўпайиб бориши натижасида уй-жойга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Истиқлолнинг илк йиллари қишлоқларда уй-жой учун ер ажратиш орқали бу муаммо бир қадар ҳал этилган бўлса, кейинчалик мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий қишлоқлар барпо этила бошлади. Айни пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан нафақат қишлоқларимиз балки шаҳарларда ҳам арзон ва қулай уйлар бунёд этилаётир.

Маълумотларга кўра 2009 – 2016 йилларда қишлоқ жойларида 1 минг 308 турар жой масивиди умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 минг 557 уй-жой қурилиб, 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида янги оилалар намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди. Мазкур қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатлами учун замонавий ва шинам уйлар қуриш, ер ресурсларидан

қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўли билан уларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қарорга мувофиқ 2017-2020 йилларда шаҳарларда 945 кўп квартирали уй-жой қурилиши режалаштирилган. 2017 йилда 191 кўп квартирали уй қурилиши белгиланган ва уйларни қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилаётир.

Аҳоли зичлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада Фарғона вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Вилоятда 1 миллион 460 мингдан зиёдроқ аҳолини ёшлар ташкил этади. Ёшларни уй-жой билан таъминлаш масаласи долзарб муаммо бўлиб турибди. Бу йил жами 49 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлиб, туманларда ҳам 3 қаватли уйлар қурилмоқда. Давлат дастури асосида бу йил 1228 та арзон, намунали қишлоқ уйлари қурилиши режалаштирилган. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифидан сўнг 920 та 2-3 қаватли арзон уйлар туманларда қурилиши

8-уйнинг 32-хонадонидан уч хонали уй ажратилди, – дейди 44- Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Абдушуккур Мансуров. – Ота-онам оламдан ўтгач, кекса бувимнинг қарамоғида қолдик. Вақт ўтиб, бувим ҳам қазо қилдилар. Қариндошларнинг ёрдами билан ҳужжатларимизни тўғрилаб, мехрибонлик уйига жойлашдик. Ҳозир ёшим 20 да. Корхонада ишлайман. Синглим ёш бўлгани учун холам ёрдам бериб туради. Ҳозир уйимизда таъмирлаш ишлари кетяпти. Учтепа тумани ҳокимлиги бизга бепул қурилиш ашёларини етказиб беришяпти. Яқинларим билан бир оила бўлиб яшашимиз учун имконият яратиб берган, биздек кўнгли ўксик болаларнинг бошини силаётган Президентимизга раҳмат.

– Оиламизда муҳит носоғлом бўлгани боис уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлганман, – дейди 30-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Бекзод Мамедов. – Кўча-кўйда тарбияси оғир болаларга қўшилиб қолдим. 2012 йили Мехрибонлик уйига олиб келишди. Шу ерда дўстлар орттирдим, тарбияландим, ошпазлик касбини ўргандим. Бу йил 18 ёшга тўлганлигим муносабати билан Юнусобод тумани ҳокимлиги Ниёзбек йўли 2-а уй, 18-хонадондан 2 хонали уйни яқин дўстим Дмитрий Шишкин иккаламизга ажратиб беришди. Яқинда янги уйга кўчиб ўтдик. Мени давлат боқиб катта қилди, тарбиялади, халқим уй-жой билан таъминлади. Энди бу яхшиликларни қайтармаган вақт келди.

– Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 238 хонадонга Сергели туманида қурилаётган кўп қаватли уйлар бириктирилган, – дейди "Ипотека Банк" АТИБ Тошкент шаҳар филиали амалиёт

ЯНГИ УЙЛАР БҮЮРСИН!



оқилана фойдаланиш ва қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Дастурда қишлоқ жойларида нархи ва шинамлигига кўра яқка тартибдаги уй-жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган.

Агар 2009 йилда қабул қилинган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қуриш дастурига кўра уй қурувчининг дастлабки бадали 25 фоизни ташкил этган бўлса, янги дастур бўйича ушбу бадал биринчи ва иккинчи турдаги уйларни қурувчилар учун 15 фоиз қилиб белгиланди.

Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, жумладан, 4 минг 608 биринчи турдаги, 3 минг 739 иккинчи турдаги, 3 минг 672 учинчи турдаги уйни ҳамда 0,06 гектар майдонли 3, 4 ва 5 хонали 2 минг 981 та бир қаватли уй қурилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чоратadbирлар тўғрисида»ги қароридан кўзланган мақсад – шаҳарда яшаётган аҳолини, шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон,

режалаштирилди. Бу йил Марғилонда 18 та кўп қаватли уй ва Қўқон шаҳрида 21 та кўп қаватли уйлари фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

– Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2016 йил давомида 10 нафар мехрибонлик уйи битирувчисига ва 1 та уй-жойга муҳтож оилага уй берилди, – дейди Давлат уй-жой фонди ҳисобини юритиш ва тақсимлаш бўйича мутахассис Камолдин Додоев. – Шунингдек, Юнусобод туман ҳокимлигида ташкил этилган ҳудудий комиссия томонидан имтиёзли кредит асосида Сергели туманида қурилаётган 337 хонадон бириктирилган. Улардан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни: ўз уй-жойининг йўқлиги ва ижара, бепул фойдаланиш шартларида турар жойда ёки эскирган уйларда яшаётганларга 88 хонадон бириктирилган. Бир уйда (бир квартирада) бошқа оила ёки бошқа оилалар билан биргаликда яшаётганларга 57 хонадон, кўп болали оилага 14 хонадон бириктирилган. Она (ота)сиз, тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбияловчиларга 4 хонадон, оила таркибида биринчи гуруҳ ногирони мавжудларга 2 хонадон, турар-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормасига мувофиқ эмасларга 169 хонадон бириктирилган.

– Юнусобод тумани ҳокими қарори билан укам, синглим ва менга Учтепа тумани, 11-мавзесидаги


бошқармаси бўлим бошлиғи Камола Тўлаганова, – Ушбу хонадон соҳибларининг барчаси бошланғич тўловни тўлаб бўлишди. Бир хонали 39,2 квадрат метрли майдонли уйлارнинг умумий нархи 105.236320, бошланғич тўлов суммаси 26 млн. 309 80 сўмни ташкил этади. Биринчи уч йилликда ҳар бир ой учун 469 239 сўм миқдориди пул маблағлари тўланиб борилади. Шунингдек, майдони 40,5 квадрат метрли бир хонали хонадонларнинг умумий нархи 108.726 300 сўм миқдориди белгиланган. Биринчи уч йилликда ҳар бир ой учун 484.800 сўм тўлов пули амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида хусусий уй-жой қуриш билан шуғулланиб келаётган иш юритувчи Диёрбек Илёсов билан 4 сотих ер майдонига 4 хонали ихчам уй қуришга кетадиган маблағнинг хомаки ҳисоб-китобини қилиб, қуйидаги хулосага келдик: Пойдевор – 15 млн. 5 млн. арматура, профнастил – 6 млн, пишган ёшт – 18 млн. бетон қуйиш учун тўсиқ мослама, тўсин, том ёпиш учун тахта 16 млн, камийш, сомон учун 1 млн. тахтадан қилинган эшик ромлар учун 7 млн. сўм маблағ сарфланади. Бундан ташқари, бир ой давомида 10 та ишчи меҳнат қилади. Озиқ-овқат учун 2 млн. уста ҳақига ўрта ҳисобда 20 млн. сарфланади. Умумий ҳисобда 88 млн 500 минг сўм маблағ сарфланар экан. Уйнинг канализация, иситиш тармоқлари, қурилиш материалларини олиб келишга машина харажати, пардозлашга кетадиган маблағни ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг.

– Икки нафар фарзандим билан ижарада яшаймиз. Рўзгордан орттириб, уй қуришга ёки квартира сотиб олишга имкомимиз йўқ, – дейди Тасвир газетаси махсус муҳбири Мухтасар Тожи-маматов. – Президентимиз ташаббуси билан Сергели туманида қурилаётган янги уйлардан менинг оиламга ҳам икки хонали хонадон берилди. Фарзандларимнинг қувончини бир кўрсангиз эди! Насиб бўлса, яқин кунларда янги уйга кўчиб ўтиб, янги ҳаёт бошлаймиз. Ижодкорга бўлган бундай эътибор унинг мақсадлари катталашиб, қадамлари дадиллашиб, янги гоёларни амалга оширишга туртки бўларкан.

Бугун республикаимизнинг барча қишлоқ, туманларида чиройли, шинам қилиб қурилган намунали уйларда минглаб юртдошларимиз тинч-хотиржам ҳаёт кечиришяпти. Яна қанча оилалар эса янги қурилаётган уйларга тезроқ кўчиб чиқиш орзусида. Байрам арафасида янги бошпанга эга бўлган юртдошим, янги уйлар буюрсин!

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири



«O`ZQURILISH MATERIALLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

*Энг улуг ва энг азиз айём –
Ватанимиз мустақиллигининг
26 йиллик байрами билан юртдошлари-
мизни чин дилдан муборакбод этади!
Барчангизга оилавий тинчлик,
тотувлик, фаровонлик, хонадонингизга-
файзу барака тилаймиз.*

**БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТАОШЛАР!**

ОБЪЯВЛЕНИЕ

О проведении конкурсных торгов по отбору организаций на поставку волоконно-оптического кабеля.

Акционерная компания «Узбектелеком» объявляет конкурс по отбору организации-поставщика (изготовителя) товара по следующим лотам:

Лот 1: Поставка волоконно-оптического кабеля для прокладки в грунт (грунтовый кабель), протяженностью 13 км.

Лот 2: Поставка волоконно-оптического кабеля, предназначенных для подвески на опорах ЛЭП (подвесной кабель), протяженностью 70 км.

Техническое задание, список представляемых документов, проект договора на поставку товара, а также другая необходимая информация приведена по следующей ссылке: <http://uztelecom.uz/>.

Заказчик: Акционерная компания «Узбектелеком».

Источник финансирования: собственные средства заказчика.

Максимальная стоимость товаров:

Лот 1 – в эквиваленте 15 327 долл. США.

Лот 2 – в эквиваленте 70 200 долл. США.

Вид валюты: UZS (сум) или USD (доллар США).

Условия поставки: поставка товара на условиях СІР Ташкент (Инкотермс-2010).

Место поставки: склады Заказчика, расположенные в г.Ташкенте.

Сроки поставки: не более 30 дней календарных дней.

Дата начала приема коммерческих предложений: со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

Предельная дата и время представления коммерческих предложений: до 18:00 часов 2 октября 2017 года.

Способ представления предложений: в запечатанных конвертах с сопроводительным письмом участника.

Место принятия коммерческих предложений: г.Ташкент, 100011, ул.Навои, 28а.

Место проведения отбора участников: г.Ташкент, 100011, ул.Навои, 28а.

Контактные данные: +99871 2393740, +99871 2392365, +99895 1461000, ответственное лицо: Фотих Нозимов.

Особые условия: финансовая часть предложения участников конкурса оценивается без учета затрат на таможенную очистку.

В конкурсе могут принимать участие отечественные и иностранные организации по следующим основным требованиям к участникам:

- Опыт поставки кабельной продукции (в частности, волоконно-оптического кабеля) не менее 5 лет;
- Наличие авторизации или официальной рекомендации на имя участника от производителя товара;
- Отсутствие у участника задолженности перед бюджетом и другим обязательным плательщиками, а также другими хозяйственными субъектами.

Участники, находящиеся в списке недобросовестных поставщиков АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа» не допускаются для участия в отборе.

Гарантия на поставляемый товар должен составлять не менее 36 месяцев.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

О проведении конкурсных торгов по отбору организаций на оказание услуг.

Акционерная компания «Узбектелеком» объявляет закрытый конкурс по отбору организации на оказание услуг по верификации абонентских звонков согласно следующему лоту:

Лот 1: Оказание услуг по запуску услуги Testcall для АК «Узбектелеком» (услуги по верификации фактов мошенничества в сетях национального оператора).

Техническое задание, список представляемых документов, проект договора на поставку товара, а также другая необходимая информация приведена по следующей ссылке: <http://uztelecom.uz/>.

Заказчик: Акционерная компания «Узбектелеком».

Источник финансирования: собственные средства заказчика.

Максимальная стоимость товаров:

Лот 1 – в эквиваленте 90 000 долл. США.

Вид валюты: UZS (сум) или USD (доллар США).

Условия оказания услуг: услуги оказываются с использованием аппаратной платформы Поставщика услуг.

Место оказания услуг: Услуги по согласованию стороны оказываются на территории Заказчика или Поставщика.

Сроки поставки: не более 90 дней календарных дней.

Дата начала приема коммерческих предложений: со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

Предельная дата и время представления коммерческих предложений: до 18:00 часов 2 октября 2017 года.

Способ представления предложений: в запечатанных конвертах с сопроводительным письмом участника.

Место принятия коммерческих предложений: г.Ташкент, 100011, ул.Навои, 28а.

Место проведения отбора участников: г.Ташкент, 100011, ул.Навои, 28а.

Контактные данные: +99871 2393740, +99871 2392365, +99895 1461000, ответственное лицо: Фотих Нозимов.

Особые условия: для нерезидентов оплата стоимости услуг будет осуществляться с учетом требований статьи 155 Налогового Кодекса Республики Узбекистан.

В конкурсе могут принимать участие отечественные и иностранные организации по следующим основным требованиям к участникам:

- Спыт работы в сфере верификации абонентских звонков на предмет выявления признаков мошенничества и утечки трафика не менее 5 лет;
- Владение необходимыми аппаратной базой и устройствами, а также программным обеспечением;
- Наличие квалифицированных специалистов, имеющих опыт работы в сфере верификации абонентских звонков на предмет выявления утечки и кражи трафика;
- Отсутствие у участника задолженности перед бюджетом и другим обязательным плательщиками, а также другими хозяйственными субъектами.

Участники, находящиеся в списке недобросовестных поставщиков АО «Узбекская республиканская товарно-сырьевая биржа» не допускаются для участия в отборе.

Хизматлар лицензияланган

«TRASTBANK»

ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон аҳолисини энг улуг, энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги ва Қурбон Ҳайити муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда хонадонингизга бахт ва омад, дастурхонингизга тўкин-сочинлик ва муқаддас Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилайди!

Байрам муносабати билан «Трастбанк» ХАБ миллий валютада «Барқарор» номли муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

- Омонатнинг сақланиш муддати – 6 ой, 12 ой, 18 ой;
- Мазкур омонатга аҳолидан пул маблағлари нақд пул шаклида қабул қилинади;
- Омонат бўйича бошланғич бадал миқдори 1 млн.сўм;
- Омонат бўйича фоизлар мижоз хоҳишига кўра ойма-ой ёки омонат муддати охирида тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+ 99871) 244-51-95;

Call center: (+998 71) 140-00-88

www.trustbank.uz

«Трастбанк» - Ишонч билан юз ма-юз!

Хизматлар лицензияланган

Хурматли ватандошлар!

Ипотека-банк

*Сизни энг улуғ, энг азиз айём –
Ватанимиз мустақиллигининг*

26 йиллиги

билан муборакбод этади!

*Юрт тараққиёти, мамлакат равнақи йўлидаги эзгу
интилишларингизда муваффақият тилайди!*

Халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлсин!



ИПОТЕКА БАНК

Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Энг улуғ ва энг азиз айём –
Ватанимиз мустақиллигининг
26 йиллик байрами билан юрт-
дошларимизни чин дилдан
муборакбод этади!
Юртимиздаги барча оилалар-
га тотувлик, фаровонлик, фай-
зу барака тилаймиз.*

**БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

“URGANCH YOG`MOY”

акциядорлик жамияти

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 26 йиллик шодиёнаси билан чин юракдан қутлайди!

Мамлакатимиз ободлиги ҳамда Ватанимиз тараққиёти йўлида мардонавор меҳнат қилаётган халқимизни бунёдкорлик ҳисси тарк этмаслигини тилаймиз.



**Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган

МАРҒИЛОН ТИББИЁТ

бирлашмаси жамоаси барча юртдошларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан муборакбод этади!

Юртимиз янада обод, халқимиз фаровон ва шод бўлсин! Ҳар бир хонадонга яхшиликлар ва эзгуликлар тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган

oilavajamiyat@mail.ru

ИМКОНИЯТИМИЗ ЧЕКЛАНМАГАН!

дейди пайариқлик тadbиркор Дилшода Эсонова



Буюртма бажарилиб, ўз вақтида эгасига топширилганидан кейингина тикувчи қизлар хотирчам тин олди. Шоғирдларига ичи ачиган Дилшода опа келишилган пул ҳисобига тушган куни уларнинг маошини беришни кўнглига тугиб қўйди. Аммо орадан уч-тўрт ой ўтса ҳам пулдан дарак бўлмади. У ташкилотга меҳнат ҳаққини сўраб боравергани Дилшода опанинг имкони йўқ... Бу ҳам етмаганидай тикувчилик цехи жойлашган бинога бошқа бир даъвогар чиқиб ўтирибди. Ҳар тугул яхши инсонлар кўп экан, бу муаммо ҳал бўлди. Аммо буюртмачилар орасида гирромлик қиладиганлари ҳамон учраб турибди...

Уч-тўрт йил аввал Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида тикувчилик цехи очиб, ўнлаб қизларга касбунаар ўргатган Дилшода Эсонова бу йўлда кўп заҳмат чеқди. "Озгина рағбат бўлсайди... Ишимни йўлга қўйиб олардим. Ҳали қанчадан қанча ниятларим бор. Цехни кенгайтирсам, маҳсулотларим турини кўпайтирсам...", деган орзулар билан тулларни тонга улади.

Кўриниб турган ногиронлигини тасдиқлаш учун не-не идоралар эшигида сарғаймади, аравача олишдаги қийинчиликлари-чи? Дилшода опа бу заҳматларни матонат билан енгди. Бирор жойга шикоят ёзмади, аксинча, интилди, ҳаракат қилди. Яхши инсонлар кўмагига суянди. 2015 йилда давлатимиз томонидан «Жасорат» медали билан тақдирланганида: "Менинг арзимас меҳнатларим наҳотки, шундай нуфузли мукофотга муносиб кўрилган бўлса?", дея кўзи ёшга тўлди.

Мана, орадан икки йил ўтиб, унинг

кўзларида яна қувонч ёшлари порлади... Пайариқ туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласида қурилган уч хонали уйлардан бири Дилшода Эсоновага топширилди.

— Ҳам ишхонам, ҳам уйимга айланган тикувчилик цехимда беш йил умрим ўтди, — дейди Дилшода Эсонова. — Цехимни кенгайтиришни, каттароқ корхона ташкил қилишни, қизлар учун қўшимча иш ўринлари яратишни орзу қилардим. Аммо ўзим ҳам уйли-жойли бўламан, янги қурилган, барча шароитларга эга уйда яшайман, деб уйламаган эканман. Президентимиз томонидан имконияти чекланган инсонларга қаратилган бундай ғамхўрликдан кўнглимиз тоғдек ўсди. Ҳалиям худди эртақлар олами-

да юргандек ҳис қиялман ўзимни. "Ўзпахтасаноат" акционерлик жамияти корхонаси томонидан уйнинг бошланғич тўлови тўлаб берилди. Эвазига шартнома асосида 18 минг донга этак тиқиша келишиб олдик. Бу иш мен учун чўт эмас. Тўғриси, бундай меҳрибончилик ғайратимга ғайрат қўшди. Бизни имконияти чекланган, дейишди. Йўқ, имкониятимиз чекланмаган, имкониятларимиз жуда катта, дегим келади, баралла.

"Янги ҳаёт" маҳалласидаги 10-уй Дилшода опа учун мослаштирилди. Бу ерда аравача бемалол ҳаракатланади. Уч хонали уйнинг барча хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ишдан ҳориб келган опа мана бир неча кундирки, уйига келиб, яйрайди, тикув-

чилик устахонасида яшаган кунлари унга узоқ ўтмишдай туюлади.

— Мактабда ўқимадим, аммо энди бир умр ногиронлар аравачасида ўтираманми, деб кўнглимни чўқтирганим йўқ, — дея суҳбатни давом эттиради Дилшода опа. — 10 ёшимдан бери ойим нима тикса, мен ҳам ўша нарсани кичикроқ нусхада тика бошладим. Бири ўхшаса, яна бири ситиларди. Ойим ҳам майли, нима биландир машғул бўлсин, деб менга турли мато қийқимларни бериб овутиб қўярди. Аста-секин бу қизиқиш ортиб борди. Кичик нусхадаги либослар қўшнимизнинг болаларига мос кела бошлади. Ўлчамлар ҳам йилдан-йилга йириклашиб, катталар учун ҳам у-бу тикдим. Тиканларим кўни-қўшилларимизга маъқул туша бошлагач, тикувчиликни бўйимга олдим. Орадан йиллар ўтиб, телевизорда тикувчи қизларни, замонавий тикув корхоналарини кўргач, орзуларга берилдим. Тикувчилик қўлимдан келса, нега уддаламас эканман, дедим, ҳаракатга тушдим. Тўғриси, цех очаман, деганимда кўпчилик бунга шубҳа билан қаради, «Соғ одамлар қийналиб юрибди бу соҳада, сизга йўл бўлсин», дея кино-ли боққанлар ҳам йўқ эмасди. Аммо минг шукр, бугун ўтган йиллардаги меҳнатим исзис кетмади. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик келажакка бўлган ишончини янада ошириди. 50 ёшимда "Янги ҳаёт" маҳалласида гўё қайта туғилгандек яшайман. Хотиржам бўлсангиз, ишда ҳам янги-янги режалар туғилавераркан. Хитойдан тикув машиналари олиб келиш учун шартнома имзоламоқчимиз, цехимизни таъмирлаб, тикаётган либосларимиз турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Гулрух МҲМИНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

Истиқлол мамлакатимиз ҳаётида барча соҳаларда туб ислохотларни амалга ошириш, юртимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган дастурлар ишлаб чиқиш имконини берди. Жумладан, биринчи босқичда республикамизда кўплаб жабҳаларда жаҳонда тараққий топган корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳияти ошган бўлса, кейинги босқичларда хорижий инвесторларга янада кенгроқ имкониятлар тақдим этилиб, Биринчи Президентимиз Ислол Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда эркин ва махсус индустриал-иқтисодий зоналар ташкил қилинди.

Бу зоналарни ташкил қилишда жойлашадиган ҳудуднинг салоҳияти, унинг келгусида ҳудуд иқтисодига келтирадиган фойдаси ва ишчи кучи даражаси атрофида ўрганилди. Бугунги кунда республикада 7 та эркин ва махсус индустриал зоналар фаолияти йўлга қўйилган. Булардан энг йириклари — "Навоий" эркин индустриал иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари дастлабкилари бўлиб, улар 2008-2013 йиллар ораллигида ташкил топган. Жорий йилда эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқариш ва савдо ривожланган яна тўртта ҳудудда — Ургут, Ғиждувон, Қўқон ва Ҳазораспда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди ва истиқболда республикамиз бўйлаб улар сонини ошириш, фаолиятини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур ташкил қилинган индустриал ва иқтисодий зоналарда ёшларни иш билан таъминлаш устувор вазифа саналади ва бу олий ўқув юртинларни тугатаётган талабаларга келажакка ишонч туйғуларини оширади. Айниқса, уларда

ЯНГИ ИСЛОҲОТ — ЁШЛАРГА ҚАНОТ

"Ўзавтосаноат" АК ҳамкорлари ва унинг таркибидан корхоналарнинг ташкил қилиниши Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети битирувчилари учун эгалаган билимларини амалиётда қўллаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда фаолият олиб боришлари учун кенг имкониятлар эшигини очди. Чунончи, "Навоий" ЭИИЗда 2010 йилда — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида 5 та корхона ишга туширилди. Булардан "UzEgaeCable" қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 25 мартдаги Фармойиши асосида ташкил қилинди. Мазкур фармойиш ва автомобилсозликни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш режасига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК Жанубий Кореянинг "Egae cs Ltd" компанияси билан ҳамкорликда йилга 130 000 километрли автомобил симларини ишлаб чиқариш қувватига эга завод ташкил этди. Лойиҳа қиймати 13 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 2010 йил 28 августдан ушбу корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхона ўзининг тармоқларини кенгайтириб, 2012 йилдан "Chevrolet Cobalt" автомобиллари учун аккумулятор батареяларини улашда фойдаланиладиган симларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шунингдек,

"Ўзавтосаноат" АК ва "Egae cs Ltd" компанияси ҳамкорлигида автомобил генераторлари ва компрессорларини ишлаб чиқарувчи "UzEgaeAlternator" қўшма корхонасига асос солинди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида 2010 йилда Ҳиндистоннинг "Spark Minda Group" компанияси инвестицияси иштирокида "O'zMinda" қўшма корхонасини ташкил этди. Бу корхона айна пайтда тўрт русумдаги ўзбек автомобиллари учун спидометр, эшик дастаси ва кулф жамланмаси, автомобиль соати каби 21 турдаги эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқармоқда. Йилга 250 минг автокомпонент тайёрлаш қувватига эга корхона мамлакат автосаноати тизимидан ташқари, ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилади. Айниқса, корхона томонидан 2014 йилда 220 минг доллар қийматидаги сифатли маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, автомобил бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш мақсадида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда капот остига ўрнатиладиган сиқилган табиий газда ишлайдиган мотор қисмларини ишлаб чиқаришда дунё бозорига 30 фоиз улушга эга бўлган Италиянинг

Landi Renzo SpA корхонаси ҳамкорлигида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Avtosanoat-Landi Renzo" қўшма корхонаси ташкил этилди. Қўшма корхона Навоий ЭИИЗда "Йилига 25 минг донга капот остига ўрнатиладиган сиқилган табиий газда ишлайдиган мотор қисмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди ва таъсисчилар томонидан 1,8 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиб, корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Кейинги пайтда юртимизда олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар ва ислохотлар натижасида "Ўзавтосаноат" АК ҳамкорларининг индустриал ва иқтисодий зоналардаги фаолияти янада ривожланиб, тараққий топмоқда. Айниқса, 2019 йилда ўзининг Ўрта Осиёда биринчи ишлаб чиқарилган маҳсулотларини бозорга олиб чиқишни мақсад қилиб, "Жиззах" махсус индустриал зонасида ўз заводини барпо этаётган Франциянинг "Пежо Ситроен" компанияси ҳам маҳаллий мутахассисларга эҳтиёж юқорилигини маълум қилиб, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидан малакали мутахассисларни тайёрлашда амалий ёрдам сўради. Бу оми университетимиз талабаларини юқори марраларни қўлаб таълим олишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бундай ислохотларнинг амалга оширилиши, мамлакатимиз тараққиётига дунё амалиётида ўз ўрнига эга бўлган тараққиёт омилларининг жорий этилиши мамлакатимиз ёшлари камоли учун қанот вазифасини ўтайди.

Воҳид ХОЛОВ,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети катта ўқитувчиси

КУНЛАР КЕЛДИ, БИРАМ

ХУШБАХТ...



Эрта тонгда ўйғониб деразаларни очиб юборганимда ёкимли эпкин юзимга уриларкан, қир-адирлардаги турфа гулу чечаклар, минг йиллардан бери тоғ бағрида қайнаб ётган булоқлар, экинзору боғларда пишиб етилган тотли мевалар, далаларда шовуллаётган бугдойзор ва пахтазорлар, хуллас ҳамма-хаммасининг анвойи исларини ўзи билан бирга олиб келгандек бўлади.

Ҳар тонгда мен гўё Ватан ифорини туюман, уни бор бўйи билан юрагимга жойлайман. Ватан суврати ҳар битта томиримда – жонимда аксланади ва кўнглим мунаввар туйғулардан ёришади.

“БАРИБИР БИЗНИНГ ЮРТ БОШҚАЧА”

Сурхондарёлик Файзи полвон айтган воқеа:

– Отам Абдурахмон Алимов машур полвон ўтган, бир умр кураги ерга тегмаган. Гоҳо тўйларда отам каби курашга тушаман. Лекин полвонликдан кўра, далага кўпроқ меҳр кўйдим. Пахта, ғалла илмини эгалладим, шунинг ортидан бойиб, элга танилдим, юрт кездим.

Қайсидир йили чет элга бордик. Нонушта маҳали орасига япроқдек гўшт солинган бутерброд билан сийлашди. Мен ҳайрон бўлдим. Ҳол-аҳволлашиш йўқ, олинг-олинг йўқ, суҳбату гурунлар йўқ. Ахир олисдан борган меҳмон бўлсак, бу қандай гап. Ўша ерда ўтириб, ўзимизнинг юртимиз ҳақида ўйладим. Биз чет элдан бўлмасам-да шундоққина кўшни шаҳардан келган меҳмоннинг оёқлари тагига албатта, қўй юмалатамиз. Дошқонд осиб, ҳаммани чорлаймиз. Шундай қилмасак кўнглимиз жойига тушмайди. Эртақларда доврўғи чиққан Ҳотамтой ҳам аслида бизнинг юртдан чиққан бўлса керак, деб ўйлайман.

Ўшанда Файзи полвон суҳбатни тугатиб бир зум жимиб қолди. Сўнг “Барибир бизнинг юрт бошқача!” деди.

Шу сўзни айтганида унинг кўзлари чақнаб кетди.

УЗОҚЛАШСАНГ, ҚАДРИ БИЛИНАРКАН

Хизмат сафари билан Жиззахга борганимда олий маълумот олиш та-

раддудиди юрган Замирахон исми қиз билан танишдим. У инглиз тилини ўзи мустақил ўрганган экан. Суҳбатимиз давомида қиз менга дилидагиларни айтди:

– Дугоналарим: “Сен чет тилини яхши биласан, хорижга борсанг ҳеч қийналмайсан”, дейишади. Мен эса фақат ўз юртимда таҳсил олиб, шу жойда катта ишларни амалга оширгим келади. Она юртдан узоқлашиш ниятим йўқ. Қайсидир йили бир ойда Польшага боргандим. Ўшанда юртимизни шунчалар соғинганманки, қайтаётганимизда самолёт ерга кўниб, аэропортдаги “Тошкент” ёзувини кўрганимда кўзларимдан тинмай ёш оқаверган. Ўзбекистонни жудаям яхши кўришимни ўшанда билганман.

Шу суҳбатдан сўнг бугунги ёшлар Ватан туйғусини худди ота-боболари ва дониншаманд момолари каби қалбан ҳис эта олишларини ўйлаб севишим.

ГЕНЕРАЛНИ ЙИҒЛАТГАН ЙИГИТ

Сирдарёнинг Янгиер шаҳрида бир танишим бор. Жуда ажойиб инсон, ўзи ҳам китобга ўч. Қайсидир йили катта қизини турмушга узатганида элликолтмишта китоб солинган сандиқчани сеп қаторига қўшиб бергани ҳали-ҳали янгиерликларнинг ёдидан чиқмайди.

– Грузинларда қиз узатилаётганда унинг сеплари орасида Шота Руставелининг “Арслон терисини ёпинган пахлавон” асари албатта бўлар экан. Бу одатда бир ҳикмат бор. Негаки,

китоб кишининг руҳий оламини бойитади, турмуш машаққатларига сабрли бўлишни ўргатади, мен ана шу ниятда қизларимнинг селига китоблар қўшиб бераман, – дейди у.

Танишим анча йиллар бурун аскарликка борганида бир йигитни калтаклаб икки-уч кун қамалган экан. Бу воқеани кўпчилик эшитган. Гоҳ-гоҳида давраларда аскарликда бўлган ўша ишни яна бир марта гапириб беришини сўрагучилар топилади. Шунда танишим сўз бошлади:

Олтмиш чоғли йўловчи самолётдан тушиши билан бараварига ерга ётиб олишди. Кўзлари тўла ёш, лойли қўлларини юзларига суркаб, ерни тавоф қилишди. Улар орасида кексароқ бир киши йиғлаб кўкка боқди, овозининг борича: “Ўзингга шуқр, мен она юртимдан, энди ўлсам ҳам розиман”, деб хитоб қилди.

– Ўтган асрнинг олтмиш бешинчи йиллари эди. Львов шаҳрида ҳарбий хизматда эдим. Бир кун овқатланиб бўлганимиздан сўнг ҳазил-мутойиба бошланди. Иккита йигит бир-бири билан олишиб кетишди, грузин бола стол устига чиқиб тушиқдан ортиб қолган яримта буханка нонни немис шеригига қараб тепди. Мен чидаб туrolмадим, югуриб бориб, ҳалиги болани яхшилаб калтакладим, нонни “колтоқ қилиб” тепган оёғидан чалдим, йиқилиб тушди, юзлари қонаб, тишлари синиб кетди. Мени қамаб қўйдилар. Тергов бўлди. Ўшанда болалигимдаги очлик даврларини, буюм билан ярим тунда бошоқ теришга чиққанларимизни гапириб бердим. “Ўзбек халқида нон жуда азиз, агар унинг бир бўлаги ерда ётса, олиб кўзга суртишади, сўнг авайлаб четга қўйишади”, дедим. Гапларимга

қулоқ солиб ўтирган генерал ўрнидан туриб кетди, қалтираган қўллари билан кўзойнагини олиб, кўз ёшини арди. Ўша куниек мени озод қилиб юборишди...

Танишим шунақа инсон. У миллатимиз тарихини чуқур ўрганиб, миллий кадрларимизга амал қилиб яшашимиз кераклигини ёшларга тинимсиз ўқтиради.

ОНА ЗАМИНГА ҚАДАМ ҚЎЙГАЧ...

Самолёт узоқ учди.

Салондаги олтмиш чоғли йўловчининг ранг-рўйи доқадай оқ. Маълум бўлишича, қанотининг қаеригадири шикаст етган самолёт бир неча соатдан буюн ерга қўнолмаётган экан!

Парвоз яна ярим соатча давом этди. Ажал билан юзма-юз ўттиз дақиқа...

Ахийри ёрдам гуруҳи етиб келиб, самолёт эсон-омон манзилга етказилди. Ташқарида ёмғир шивалаб ёғарди.

Олтмиш чоғли йўловчи самолётдан тушиши билан бараварига ерга ётиб олишди. Кўзлари тўла ёш, лойли қўлларини юзларига суркаб, ерни тавоф қилишди. Улар орасида кексароқ бир киши йиғлаб кўкка боқди, овозининг борича: “Ўзингга шуқр, мен она юртимдан, энди ўлсам ҳам розиман”, деб хитоб қилди.

Фильм воқеаларидан таъсирланиб ўрнимдан туриб кетдим. Дераза оша ташқарига қарадим. Осмон тил-тиник, атроф беғубор. Қўшлар дарахт шохларида тизилишиб чуғурларди. Борликдан кўз узоқмай қолдим. Қалбимни соғинч туйғуси қамаб олди.

Баъзан Ватанда яшаб туриб ҳам Ватани соғинар экансан, киши.

МИЛЛАТ УЧУН БАХТ ЯРАТ-САНГ, ҚАНЧАЛАР СОЗ!

“Ўзгалар бахти учун курашиб ўз бахтимизни ҳам топамиз”, деган экан Абу Наср Форобий. Бу ҳикматнинг мазмунини теран,ZERO, бир вақтлар она юрт бахт-саодатини деб ўзини фидо қилганларнинг номлари бу кун тарихимиз осмониде юлдуздек порлаб турибди. Эзгу ҳаракатлари билан эл юртининг бахтли эртасини яратаётганлар бугунги кунда ҳам жуда-жуда кўп.

Одамларга фақат яхшиликлар соғиниб яшаган Гулчиroy момом ёши тўқсондан ошганида ҳам анча тетик кўринарди. Эрта саҳарларда қўлларини дуога очиб юртга тинчлиги омонлик тиларди. “Бир-бирингизга муҳаббатли бўлинг”, деб бизга қайта-қайта ўқтирардилар.

“Меҳр инсонларнинг қалбларини бир-бирига яқинлаштиради”, дер эди момом. Меҳру муҳаббатини, ғайрату шижоатини, илму иқтидорини, умр лаҳзаларини озод миллатимиз учун бахт яратишга сарфлаётган ва ҳар ёшу қарини шу йўлдан боришга даъват этаётганларга эргашсанг улардан қувват олиб илгариласанг, қанчалар соз!

Ўйлаб қаралса, бугунги кунда улғу яратувчилик ва бунёдкорликлар учун сарфланаётган катта кучлар замирида қалбларнинг гўзал ҳамжиҳатлиги, она Ватанга садоқат туйғуси, шу юрт тупроғида яшаётганларга меҳр ва эҳтиром ҳислари мўжассам экан.

Шу ҳақда ўйларканман, айна кезларда ҳар бир кишининг дилларида, тилларида жаранглаётган сўзларни яна бир маротаба баралла айтгим келади: Бирам хушбахт кунлар келди.

Шу кунлардан суюниб, шу кунларни қадрлаб, шу кунларга қайта-қайта шуқроналар айтиб яшагин келади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Ёшинг улғайган сари орзуларинг ҳам улғаяверар экан. Гўё кунлар қисқариб қолганга, соат миллири улоқчи отдай йўртиб чопаётганга ўшаркан. Кимдир ортингдан қувиб келиб: “Шошил-шошил, улгуролмайсан”, деётгандай, умр поёнига яқинлашиб қолгандай туюлавераркан.

Узоқ соғинганим – Мадина зиёрати, Каъба тавофи ҳаёлимда чарх ураверади. Отажоним, онажоним, бу муборак масканни орзулай-орзулай оламдан ўтиб кетишди. Яхшиямки, Истиқлолга эришдик. Эмин-эркин ибодат қилиш имкони туғилди. Муборак рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам қилинадиган бўлди. Халқимизнинг эзгу орзулари ушалди.

Етмиш уч ёшимда Аллоҳнинг инояти билан Умра ибодати насиб этди. Самолётга чиқиб, хавфсизлик камарини тақяпману чиндан ҳам бораёяманми ўзи, деган савол миямда чарх уради. “Тангрим, ўзинг

Қадимий шаҳарларда ҳали-хануз илоҳий мўъжизалар содир бўлиб туришини эшитган эдим. Китобни масжид тоқчасига қўйиб чиқдим-у аёлга раҳмат айтаман деб узоқ изладим. У ёнимда қандай пайдо бўлган бўлса, шундай изсиз йўқолди.

барчамизни ҳифзу-ҳимоянга ол, билиб-билмай қилган гуноҳларимиздан покла, жаннатдаги кавсар булоқларинга етиштир!”, дейман. Самолёт оппоқ булутлар орасида муаллақ туриб қолгандек туюлади. Ҳаёлларим эса икки олам саодати бўлмиш улуг зот – пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг излари қолган, нафаслари уфуриб турган диёрга ошиқлади.

Яшил либосларга буркан-


ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН УЛУҒ ИМКОНИЯТ

ган оламга кўниккан кўзларим, гиёҳ унмайдиган саҳролар, тоғу-тошларга ҳайрат билан боқади. Афсонавий “Минг бир кеча” эртақларидек маҳобатли “Масжидул Набавия” кошонасига кирдим-у, ихтиёримдан айрилдим. Икки ракат шукр намозини адо этмоққа чоғландим. Ҳазимда куч тўллаб, саждага бош қўйдим. Вужудимни титроқ босиб, безгак тутгандек қалтирайман, кўзларимдан қуйилиб келаётган ёш юзимни куйдиради. Қани энди ўзимни боса олсам. Ё, Парвардигор қаердаман ўзи!? Бир маҳал кимдир елкамга қўлини қўйди:

– Амаки, ўзингизни тутинг, бу аҳволда давом эттира олмайсиз.

– Узр биродар, кўнглим бўшашиб кетди, – дедим кафтим билан кўзёшларимни сидирар эканман. Инсоннинг табиати қизиқ. Мушкул аҳволда қолса ҳам, қувонса ҳам йиғлайди.

Масжид атрофида Қуръони Карим сотилаётган экан. Савоб умидида икки донасини харид қилиб, масжид тоқчасига қўймоқчи ният қилдим. Гарчи араб тилини билмасамда, китобни варақлаб кўрдим. Муқоваси ниҳоятда чиройли, юксак савияда ишланган. Неча пул дегандек, имо-ишора билан нигоҳ ташладим. Сотувчи тушунгандек аввал кўрсаткич бармоғини, бир донаси дегандек кўрсатиб, кейин икки кафтини очиб, ўн ишорасини қилди. Шу аснода ўттизлардан ошган, хушбичимгина аёл, чиройли табассум билан келди-ю, китобни қўлимдан олиб, у ёқ буёғини варақлаб, охириги саҳифасини очиб, менга узатди. Аёл қошларини чимириб,



сотувчига арабчалаб нимадир деб пичирлади.

Унинг беозор дашномидан англадимки, китобнинг бир донаси беш доллар тураркан. Сотувчи ўн долларга икки дон китобни узатар экан, аёлга узр дегандек жилмайиб қўйди. Аслида китобнинг ҳам, унинг ортиндан келадиган савобнинг ҳам баҳоси йўқ. Уни ҳеч қандай маблағ ёки пул билан ўлчаб бўлмайди.

Қадимий шаҳарларда ҳали-хануз илоҳий мўъжизалар содир бўлиб туришини эшитган эдим. Китобни масжид тоқчасига қўйиб чиқдим-у аёлга раҳмат айтаман деб узоқ изладим. У ёнимда қандай пайдо бўлган бўлса, шундай изсиз йўқолди.

Мадинадаги уч кун гўё уч соатдек ўтди. Пайғамбаримизнинг муборак равзаларида Аллоҳ қодир қилганча фарз, суннат, нафл намозларини ўқидим. Ул мухтарам зотга юртдошларим-

нинг саломларини етказдим.

Тонг билан эҳром боғлаб, Макка шаҳрига отландик. Энг сўнгги русумдаги автоуловда беш юз қақиримлик йўлни осонгина босиб ўтдик. Бироз тин олган, озқиқиб қутилган масжидул Ҳарамга етдик.

Ҳаво мусаффо. Кўчалардаги сунъий сув пуркагичлардан намхуш шамол юзларимизга урилари. Сон-саноксиз, кабутарлар қуқулаб дон талашади. Оппоқ соқоллари кўксини беэзаган водийлик қариялар ўзлари билан олиб келган буғдойларини завқ-шавқ билан сепардилар. “Аллоҳ шу кунларга етказганига шукр!”, деган садолар эшитилар, пайпоқдор кабутарлар тобора яқинлашарди.

Гуруҳларга бўлинган икки юздан ортиқ аёл-у эркак умрачилар орасидан мен томон яқинлашиб келган, бўйчан, қотмагина қария қорамтир

қўлидаги ялтироқ қутини тутқазди-ю, жилмайиб қўйди. Қутига қистирилган оқ найчани кўриб билдимки, қадоқланган мева шарбати. Аллоҳ ҳар нарсани кўргувчи, билгувчи, сезгучидир. Ўз уйининг остонасида толиққанганимни сезиб, шарбат билан сийлади.

Каъбаи муаззам дунёнинг турли чеккаларидан ихлосу эътиқод билан келган аёллар, ёшу қари, турли миллат вакиллари ўз бағрига олган.

Мақоми Иброҳим мажмуасига етганимда баданимдан чумолилар ўрмалаб ўтгандай бўлди. Каъбабўшага яқинлашиб бўлмасди. Муқаддас қора тошни тавоф қилишинг сира имкони йўқ. Фақат еттинчи маротаба айланаётганимда мўъжиза содир бўлиб, юзларимни қора тошга босдим.

Каъбанинг олтин эшиклари остонасида икки ракат шукр намозини ўқиб, ўрнимдан турсам, кимдир зам-зам суви тўлдирилган пиёлани узатди. Жисми-жоним яйраб, тетиклашдим, Сафо ва Марва тоғлари орасидаги саъй-ҳаракатларда етти марта қушдек учиб югурдим. Сочи олдириб, Умра ибодати ниҳояланган, узоқ йиллик кадрдонлардек бир-биримизни қутладик. Шу ерда танишб-топишганлар бир умр қадрдон бўлиб қолар экан. Етти кун, куч-қувватим етганича Каъбада фарз, суннат, нафл намозларини ўқидим.

Макка шаҳрининг диққатга сазовор жойларини, пайғамбаримизга илк ваҳий келган Хиро ғорини, Муздалифа ва катта ҳажда барча ҳожилар жамланиб, дуолар қиладиган Арофат тоғларини зиёрат қилдик. Бу манзил маконни кўрмаганлар бир марта кўрсам дея орзулар экан. Қўрганлар эса яна бир кўрсам эди, деб илҳақ бўларкан.

Ушбу муқаддас масканни зиёрат қилиш ҳар бир юртдошимизга, ҳар бир мўминга насиб этсин илоҳим!

Ҳикмат МАҲСУМОВ

Россияда ишлаб келган ҳамқишлоқ йигитнинг телефонда гаплашиб кетаётганига гувоҳ бўлдим: “...Қишлоқ жойида турибди, жўра. Соғиндим, деб қайтиб қўйма тагин. Мен нима бўлдим соғиниб... Юрибман энди иш топмай. Томорқани тинчитдим... Ҳовлини ҳайдатиш ҳам бош оғриқ... Тракторчиникига кетаялман, ҳали ток билан анорни кўмиш керак”.



Бу йигитнинг коллежда тайинли ўқимагани, битирганидан сўнг эса Россияга кетгани ҳақида эшитгандим. У ёқдаям ишни ёлчитмабди-да. “Ишим оғир эмас, кўча супураман, яхши пул беради”, деб мақтанган экан. Нега унда дарров қайтибди?

“Менга ўхшаб соғиниб, келиб қўйма тагин”миш. Нима сени ўзига тортдики, беихтиёр Ватаниннга қараб ошиқибсан? Бу – шу қишлоқ одамларининг тафти эмасми? Меҳри уммон, тоза дил инсонларнинг кўзларидаги самимият чор-
oilavajamiyat@mail.ru

ламадимми сени? Ўша давлатга бориб, кўчаларида бошпана излаб тентираганимда халқининг меҳмондўстлиги кўз олдиндан ўтмадики? Нафақат бир кеча, ҳафталаб, ойлаб ҳам уйда олиб ўтириши мумкинлиги неча бор ҳаёлингдан ўтгандир? Қишлоқдошларининг ана шундай меҳмондўст, қўли очик, саҳий инсонлар эканини кўрсатиб қўймадимми сенга ҳаёт?

“Ҳали ток билан анорни кўмиш ишлари турибди”, деб нолийсан. Шу озгина парваршинг учун аноринг билан

ВАТАН АТРИН БОШҚА ЖОЙДАН ТОПОЛМАЙСАН

токинг бутун оиланга етгулик даромад бермайди? Унинг kilosini Россияда қанчага сотиб оларинг? Ҳарқалай ҳеч ким сенга: “Олинг, деҳқончиликдан” демагандир. Қишлоғингда-чи? Ўртоғингни сўраб, дарвозадан ичкарига кириб қолсанг, бўлди. Бир тишлам нон емай кетиб кўр-чи. Қанд-курс, узум турган бўлса-ку: “Ол болам, ҳеч бўлмаса бир дон ол”, деб ҳоли жонингга қўйишмайди.

Чўп қадасанг кўкарадиган олтин еримизнинг қадрини билганимда у ёқларда кўча супуриб юрармидинг. Бир парча ериндан олинган ҳосил сени бой қилмасми? Йўқ, дея олмайсан, чунки одамлар озгина ердан ҳам унумли фойдаланиб, кўп ҳосил олиб бойимоқда. Бир касбдошим ёзганди, ҳовлисидан чиққан мева-сабзавотни сотиб машина олган киши ҳақида. Ишласанг, шу ерда-ям нонингни топардинг...

Бу қишлоғининг баҳори, исмалоғи,

сумалагининг ҳидини ўша давлатда юрганимда ҳам туйдинми? “Ҳа” дея кўрма, чунки бу гапни эшитган қишлоқдошларинг кулади. Ўзбекистон офтобининг тафти шу ерда яшовчи одамларнинг қалбидаги меҳроқибатдан кўчирма олган. Шу боис бундай об-ҳавони бошқа жойдан тополмайсан, укам!

Сен яхшиси, ҳовлингни ҳайдатаётганимда майин тупроғини ҳидлаб кўр, Ватаниннинг иси келадими, йўқми? Онанг нон ёпаётганда тандир бошига бор. Қишда исирик солинган сандалда оёғингни исит. Баҳорда қўзилаган қўйларинг ортиндан юриб, би-ир қизгалдоқлар билан ясанган адирга чиқиб ёт. Димоғинга урилган ҳид ўзгачами, йўқми? Йўқ, десанг ҳам ўзинг биласан. Аммо бу исларни бошқа юртдан тополмаслигинг аниқ. Бу ислар – қон-қонингда, юрагингда, бутун вужудингда яшайди...

Эътибор НОРБЎТАЕВА

БИЗГА КИТОБХОН ОНАЛАР ЗАРУР!

Шу кунларда мактаб бозори жуда қизгин. Ўқув йили яқинлашгани сайин ота-оналарнинг тарадду-ди янада авжига чиқади. Жиянимга ўқув қуроллари харид қилаётганимизда қулоғимга чалинган бир суҳбат эътиборимни тортди.

– Ойижон, ҳамма айтганингизни қиламан, мактабда ҳам фақат “аъло”га ўқийман, илтимос, шу эртақ китобни олиб бериинг!”

– Яна бошладингми, ўзи шундоқ ҳам пулим кам. Устига устак синглинга сумка ҳам олишимиз керак. Китоб ўқиш шаҳар олиб берармидинг ё эртақ айтиб қорнимизни тўйдирасанми? Бўлди, бас қил!”

– Жоон ойижон, олиб берақолинг. Янги оқ кўйлак олиб бермасангиз ҳам майли. Утган йилгини кияман. Фақат шу китобни сотиб олайлик...”

Чамаси 9-10 ёшлардаги болакайнинг илтижоси шу қадар ёқимли эдики, негадир унинг кўзларига қараб қувониб кетдим. Кўнглим ёришгандек бўлди. Қаранг, тенгдошларининг аксарияти ота-онасидан замонавий телефон олиб беришларини талаб қилаётган бир даврда у китоб сўрамоқда. Аммо боласининг илтимосидан жаҳли чиқаётган онанинг жеркиши таъбимни хира қилди. Ахир у фарзанднинг бу истагидан қувониши керак эмасми? Аслида, китобни деб янги кийимдан воз кечаётган жигаргўшасини кучоқлаб, пешонасидан ўпиб қўйса бўлмайди?



Биз китобхонлик ҳақида кўп гапиряпмиз. Ўқув масканларида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситаларида... даярли ҳамма жойда гапиряпмиз. Унутмаслик керакки, китобхонлик муҳити энг аввало оилада қарор топмоғи лозим. Шу ўринда савол тўғилади? Бугун оналар китобхонлиги қай даражада? Биз китобни тарғиб қилиб эсимиз кетсаю, баъзи “замонавий” оналаримиз фарзандига “Китоб қорнингми тўйдирармиди?” қабилда тарбия берсалар. Бу ҳолат ҳаракатларимизни чиппака чиқармайди?!

Тарихдан маълумки, миллатимиз ифтихорига айланган угулгаримизнинг беқиёс илм ва салоҳият эгаси бўлиб етишишида уларни дунёга келтирган БУЮК ОНАЛАРнинг чексиз ҳиссаси бор. Зеро, “Бизга маърифатли оналарни беринг, биз сизга даҳоларни берармиз”, деган гап бежиз айтилмаган. Шу ўринда, Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхонимнинг болалик хотираларидан парча келтирсам:

“Онами Хадичабиби деб атар-

– Яна бошладингми, ўзи шундоқ ҳам пулим кам. Устига устак синглинга сумка ҳам олишимиз керак. Китоб ўқиш шаҳар олиб берармидинг ё эртақ айтиб қорнимизни тўйдирасанми? Бўлди, бас қил!”

дилар. Эсимни танибманки, уни серфарзанд оиланинг онаси, ҳамisha меҳнатда, баъзан изтиробли, баъзан дардман ҳолда кўрардим... Лекин кундузнинг иш-ташвишлари тугаб, оқшом тушганда, бизга китоблар ўқиб берганида онамнинг овози жуда сеҳрли бўлиб кетар эди... Онамнинг қанчадан-қанча қўшиқ ва афсоналари, дoston ва эртақларни билишига ақлим бовар қилмас эди. Бу сеҳрли афсона ва дostonлар бизга бениҳоя хузур бағишлар,

Садоқат ДАДАЕВА,
журналист

КЕЧИНМА

Маош олгандим. Энг аввал китоб дўконига кирдим. У ердан ҳазрат Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” китобини сотиб олдим. Кейин кийим бозорга ўтдим. Ҳамма ўз юмуши билан банд. Кимдир сотади, кимдир сотиб олади. Мен эса хаёлан ҳазрат билан суҳбатлашиб кетаяпман. Қимматбаҳо кийимларга қарашга ундан уяламан. Дунёнинг матоҳи бошимни айлантираётганини сезиб қўямасин-да ишқилиб, дейман. Одмигина кийимларга назар ташлайман.

Одамлар билан тиқилинч йўлакда кимдир туртади, кимдир оёғимни босиб олади, кейин кечирим сўрамай, бепарво ўтиб кетади. Мен эса ранжимайман. Бундай қилишга Румий ҳазратларидан хижолат бўламан. Тўғри-да, тўртса нима бўлибди, йиқилиб кетдимми ё оёғимни босганига майиб бўлдимми? Йўқ, унда нега ранжишим керак?! Койишдан тилимни тийсам нимадир камайиб қолармиди? Асабимни эгловлаб фойда топганманми бирор марта?

– Кечирасиз, бунини мен олаётгандим, – деди қошини чимириб бир аёл қўлимдаги рўмолни тортиқлаб.

Ҳа майли, олаверсин, бозорда рўмол

Ҳа, чанқаган одам учун пиёланинг қандай экани эмас, унинг ичидаги сув муҳим бўлганидек, мен ҳам моҳиятга эмас, ташқи тасвирга эътибор қаратаётгандим.

РУМИЙ ҲАЗРАТЛАРИДАН УЯПДИМ

(қатра)



камми, деб ўйладим ичимда. Афсус, айнан шу ранг ва шунақа гуллисидан атиги битта қолган экан. Эссиз, онам шу рангли ёқтирарди-да. “Анордай лов-лов ёниб турса”, дерди кийимларга қараганда. “Илтимос, шу рўмолни мен олақолай”, демоқчи бўлдим ёнимда пул санаётган

аёлга. Аммо Румий ҳазратларидан истихоло қилдим. У сумкамда туриб, вужудимга ўт қўяр, кўнгил оламимни кезиб юрарди. “Бошни рўмол ёпадимми ё унинг гуллими?” дегандек туюларди.

Ҳа, чанқаган одам учун пиёланинг қандай экани эмас, унинг ичи-

ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этар эди. Шунга аминманки, муъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етаклагувчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона хатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл – онам уйғотган”.

Шунингдек, ёзувчи Ойбек ўзининг “Болалик” қиссасида онаси ва бувисини Навоий, Мирзо Бедил ғазалларини жон-дили билан севиб ўқиши, шу туфайли Ойбек болалиқданоқ нафис сўзни, шеърни ҳис этгани ва адабиётга, китобга ихлос қўя бошлаганини хотирлайди.

Бу каби ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зиёли оналарнинг тарбиясини кўрган, китобхонлик муҳитида улғайган фарзандлар миллат шаънини кўтаргувчи устунлардир. Тан олиш керакки, айрим ёш оналар китоб ўқишдан кўра, сийқаси чиқиб кетган маиший мавзулардаги оилавий можаролар, қўйди-чиқди, ўлдим-қўйдимларга асосланган сериалларни томоша қилишдан завқ туядилар. Дугоналари билан телефонда соатлаб суҳбатлашадилар-у, аммо китоб ўқишга вақти йўқлигидан нолишади. Улар учун китоб ўқиш гўё мактаб ўқувчиларини, талабалар машғулоти. Сўнгги пайтларда ёшлар орасида урчиётган иллатларнинг илдизи оналар китобхонлиги масаласида оқсаётганимиз билан боғлиқмасмикан, деб уйлаб қоламан.

Китобни хушламайдиған, уни ўқишга тутинган боласини муқофотлаш ўрнига койийдиган оналарга айтадиганимиз:

– Фарзандингиз китоб ўқиш сизга балки дунё олиб бермас, аммо дунёларга тенг раҳмат ёғдириши аниқ. Шундай экан, мутолаани ихтиёр этган кўзимизнинг оқу қораларини рағбатлантирайлик, улар қалбида китобхонликка иштиёқ уйғотайлик. Ана шунда бағримизда унинг-ўсаётган гулу лолаларимиз эртага камоли билан кўпларнинг ҳавасига сазовор, комил инсонлар бўлиб улғаядилар.

Садоқат ДАДАЕВА,
журналист

Эътибор НОРБЎТАЕВА
oilavajamiyat@mail.ru

Юртимизда ёз. Айни пишиқчилик маҳали. Пайкалларда қовун-тарвузлар етилган палла. Бозор расталари “Кўккалавуш”, “Обиновот”, “Амири”, “Жўрақанд” сингари тилими тилни ёрар қовунларга лиқ тўла. Поллиз экинлари, айниқса болаларнинг жону дили. Карч-карч қилиб, дастурхонга тортилган муздеккина қовунни еб, маза қилишади.

Афсуски, танга роҳат бағишловчи қовунларга сўнги йилларда нимадир бўляпти. Айрим қовунларнинг уч қисмини яра босиб, баъзиларига қурт тушаётгани нафақат деҳқонни ташвишга, балки харидорни ҳам жиддий хавотирга солмоқда. Қўйлиқ бозори худудиде жойлашган Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари” АЖ улгуржи савдо растасидаги сотувчи ҳамда деҳқонлар билан гаплашиб, ушбу муаммонинг сабабини билишга уриниб кўрдик.

— Нафақага чиққанимдан бери Қўйлиқ деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотаман, — дейди Рустам ота Самиев. — Ўзим оққўрғонликман. Бир неча йил қовун-тарвуз ҳам экканман. Кейинги пайтда нафақат қовун-тарвуз, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ҳам қийин бўлиб қолди. Картошка, помидор, карам сингари экинлар касалланиб қолаётганини билсангиз керак. Ер, техника, экинларга солинадиган дориларнинг нархи жуда қиммат. Илгари ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун шўри ювилар эди. Агротехника талаблари қўпол равишда бузилаётгани учун ерларимиз шўрлаб, турли бегона ўтлар босиб кетаяпти.

Қовун-тарвуз асосан Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларидан келтирилади. Ҳозиргина бир машина қовун туширдик. Касал теккан қовунларни алоҳида ажратиб қўйдим. Мол-қўй боқадиганлар олиб кетишади. Айтишларича, экинларга фақат маҳаллий ўғит берилиши оқибатида касалланиш кўпайиб кетаётганимиш. Аслида гўннинг ўзини солмай, унга карбонат, аммофос,



ҚОВУНГА НЕГА ҚУРТ ТУШГАН?

ёхуд Қўйлиқ бозоридаги суҳбат

калий ўғитлари қўшиб солинса, ана унда ҳосилдорлик ҳам яхши бўлади, касалланиш ҳам камаяди. Илгари биз қовун-тарвузларга асосан олтингургурт сепардик. Фаргона ҳамда Навоийда олтингургурт ишлаб чиқариладиган заводлар бўларди. Ҳозир ҳам ишляптими йўқми, билмади-му, лекин олтингургурт топиш қийин бўлиб қолган. Оқибатда далаларда қора чигиртка кўпайиб кетган. Ўша чигирткалар айни етилиб келаётган қовунларни ялаши оқибатида қовунларда қора доғлар пайдо бўлади. Кейин ўша жойдан чирий бошлайди.

Яна бир гап, ҳозир қовунларнинг кўпчилигини қайси навга тегишли экани ҳам билонмай қоляпмиз. Ҳамма навлар аралаш-куралаш қилиб чатиштириляпти. Мана бу иккита кўкимтир рангли қовунлар қайси нав эканлигини

очиғи, ўзим ҳам билмайман.

— Утган йили қовун-тарвуз экиб, ражагимни амаллаб чиқазиб олгандим. Бу йил нарх-наво анча яхши, — дейди Муҳаммадризо Исоқжонов. — Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида яшайман. Қовунларим пишган, улгуржи бозордан жой олиб, ўзим сотаяпман. Ота-онам, укаларим далада.

Қовун уруғи ерга қадалганидан сўнг 30-35 кунда гуллайдди. Гуллаган пайти асаларидан кичикроқ ҳашарот қовуннинг гулига нинасини санчиб, личинкасини қўйиб кетади. Ана ўша личинка қовун билан бирга катталашиб, унинг учини ёриб, қовун пишганидан кейин капалакка айланиб учиб кетади. Қовундан пилла мисолида фойдаланади. Қовуннинг учи қорайиб қолади, уни ёрсангиз майда қуртчалар чиқади.

Бу ҳамма қовунларда ҳам учрайвермайди. Биринчи гуллаган пайтда кам миқдорда дори селиш керак. Агар доза ошириб юборилса, гулни қотириб, ривожланишдан тўхташиб қўяди. Ҳар беш кунда дори селиб турилади. “Карат”, “Нурелл Д” деган дорилар бор, ўшаларни селиш керак.

Бу йил ўн гектар ерга “Обиновот” экидим. Уни етиштириш учун 35 литр яғни, тўрт миллион сўмлик дори сотиб олдим. Дори септиришга уч миллион сўм кетди. Хуллас, қовун пишиб етилгунча 25 миллион сўмга яқин пул сарфладик. Қовунни Мирзачўлдан Тошкентга олиб келиш учун юк машинасига 400 минг сўм, ортишга 200 минг сўм кетади. Битта машинага минг дона қовун сиғади. Машинадан тушириш,

бозорга кириш, патта учун ҳам пул керак. Ҳозир 15 миллион соф фойда кўрдим. Худо хоҳласа ҳали далада қовунларим кўп.

Ота-бобом деҳқон бўлган. Деҳқончиликнинг ортидан насиба топаёпмиз. Қўша-қўша машиналаримиз, мол-қўйларимиз бор. Даламизга қайси экинни эксак, биздан кўра тажрибалироқ деҳқонлардан бориб ўрганамиз. Мақсадимиз — ўзимизни ҳам, халқимизни ҳам бой қилиш.

Бозордаги деҳқонлардан олган қисқагина маълумотларимиз шулар, холос. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, зараркундаларга қарши курашиш билан шуғулланаётган олимларимиз, катта тажрибага эга деҳқонларимиз бу ҳақда нима дейди? Улар билан ҳам суҳбатлашиш ниятимиз бор.

Нигора Алишер қизи

ПОЛИЗ ПОЛВОНИНИНГ ФЙДАЛАРИ

Пишиқчилик фаслининг тотли неъматларидан бири — тарвуз. У ниҳоятда мазали ва хушхўр бўлиши билан бирга инсон саломатлиги учун ҳам жуда фойдали.

ЁШАРТИРАДИ, ДАВОЛАЙДИ

90 фоиз сув ва шакардан таркиб топган тарвузнинг таркибида кўп миқдорда фолат кислотаси мавжуд бўлиб, қон яратишда, организмда кислота — балансини мувофиқлаштиришда қатнашади. Таркибида 8,0-13,5 фоиз қуруқ модда, 5,8-11 фоиз фруктоза, В, В2 РР каби витаминлар ва минерал тузлар, уруғида 25-30 фоиз мой, фитин кислотаси бор.

Қуруқ ёки янги узилган тарвуз пўчоғидан дамланган чой ёшлик гўзаллигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Тарвуз юз терисини ёшартириб, рангини тозалайди. Шарбати майда тошлар, холестерин ва тузларни эритиб организмдан чиқариб юборади. Жигар, буйрак касалликлари, гипертония ва атеросклерозни даволашда жуда фойдали.

Ёш болаларга, буйрак етишмовчилиги бўлган беморларга, нефроз, пиелонефритда тарвуз шарбати ва уни ейиш тавсия этилмайди.

УРУҒИНИ ҲАМ ЕЙИШАДИ

Тарвуз уруғи — хитойликларнинг сеvimли, хушхўр таомларидан бири ҳисобланади. Улар тарвуз уруғини кинотеатрларда, таомдан кейин, чой ичиш пайтида, телевизор экрани олдида ўтирганда ёки дўстлари билан суҳбат чоғида истеъмол қилишади. Тарвуз уруғи анъанавий таом, ҳеч бир Хитой оиласи буни четлаб ўтмайди. Хитой табобати китобида ёзишларича, бу уруғ саломатлик учун гоят фойдали экан.

ГЎЗАЛЛИК МАНБАИ

Косметологияда тарвуз пўчоғидан никоблар тайёрланади. Бунинг учун тарвуз шарбатида намланган дока юз ва буйинда 20 дақиқа давомида ушлаб турилиб, сўнг нам сочиқ билан секин артиб ташланади.

Агар юзда сепкил бўлса, унинг устига тарвуз уруғларидан тайёрланган эмульсия 20 дақиқа давомида қўйилади, сўнг ювиб ташланади.

Эмульсияни уй шароитида тайёрлаш усули: аста-секин сув қўшиб уруғлар янчилади. Уруғларга сув қўшаётганда 1-10 нисбатда ўлчаш керак.

Умида тайёрлади.

ХОИҚА ШИҚА

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

истиқлолимизнинг 26 йиллик тантанаси билан
юртдошларимизни муборакбод этади!

*Хонадонларимиздан қут-барака, дастурхонларимиздан
тўкин-сочинлик, маҳалларимиздан аҳиллик аримасин!
Дунёнинг энг гўзал, обод ва кўркем гўшасига
айланган юртимизга кўз тегмасин!*



ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

Oila va jamiyat

Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга
олинган. Буюртма Г – 826. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 5021. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: **Б. Исмоилов**
Мусаҳҳих: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Малikov**

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди

1 2 3 4 5